Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА № 179 (674). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН, АҚШ, ТУРКИЯ, ТУРКМАНИСТОННИНГ МАШҲУР КУЛОЛЛАРИ

ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМГА ТЎПЛАНДИЛАР

БУ УЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ АНЖУМАНИДИР

Куз бошида Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Туркманистоннинг машҳур кулоллари Тошкентда анъанавий халқаро симпозиумга тўпландилар. Бу — уларнинг тўртинчи анжуманидир.

Улар республика рассомлари уюшмасида журналистлар билан учрашдилар. Учрашувни Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси президенти, республика халқ рассоми Раҳим Аҳмедов бошқарди.

Мутахассислар симпозиумга кулолчилик бўйича тажриба алмашиш, миллий санъатнинг бой анъаналарига эга бўлган Ўзбекистон кулолларининг ютуқлари билан яқиндан танишиш учун келганлар. Улар бир ой мобайнида Тошкент кулолчилик заводининг устахоналарида ишлайдилар, амалий санъатнинг мазкур тури йўналишлари бўйича фикр алмашадилар. Шу мақсадда улар Бухоро ва Самарқандда, Тошкент рассомларининг устахоналарида, музейларда ҳам бўлишди.

Америкалик Марсия Селсор симпозиумда иккинчи марта қатнашмоқда. Ҳамкорликда ижодий изланиш менга ўзбек халқининг қалбини яхшироқ билиб олишга ёрдам беради, —дейди у. Марсия Селсор Ўзбекистон кулолчилик санъати вакиллари Р. Янгибоев, А. Николаев, С. Султонмуродов ва айниқса Н. Қўзиеванинг асарларига юксак баҳо берди.

Жефф Шлангер эса бундан икки йил муқаддам кулолларнинг Нью-Йоркда ўтказилган симпозиумида Ўзбекистонлик Э. Абрамов ижодига мансуб намуналарни кўриб, республикамизга келиб муаллиф билан танишишни, миллий кулолчилик мактабини ўрганишни дилига тугиб қўйган эди.

Анжуман пировардида кулолчилик асарларининг кўргазмаси ташкил этилади. Ҳар бир қатнашчи иккитадан асар яратиши керак. Улардан бири республика давлат санъат музейига, иккинчиси бу нуфузли учрашувга ҳомийлик қилишни зиммасига оладиган ташкилотга совға этилади.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

14 сентябрь сешанба №179 (674) 1993



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 сентябрь куни доктор Эдцард Ройтер бошчилигидаги «Даймлер бенц аг» концерни делегациясини қабул қилди.

Суҳбат чоғида республикамиздаги корхоналар ва «Даймлер бенц аг» концерни ўртасидаги ҳамкорлик миқёсини кенгайтириш, қўшма корхоналар қуриш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида нашр этиладиган «Ю-эс-эй тудей» («Бугунги АҚШ») газетасига Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти тўғрисида мақола тайёрлаш учун келган «Юнайтед уорлд лимитед» («Бирлашган дунё») мустақил ахборот агентлиги мухбирлари Сесил Морин хоним ва жаноб Ян Лемкостерни уларнинг илтимосига кўра қабул қилди.

Ислом Каримов мухбирларга республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот тўғрисида сўзлаб берди. Уларни қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

МУСТАҚИЛЛИК ЁДГОРЛИГИ ОЧИЛДИ

Қўқондаги «Озодлик» хиёбонида, бундан бир йил муқаддам Президентимизнинг имзоси билан бу ерда мустақиллик ёдгорлиги қурилади, деган сўзлар ёзилган лавҳа ўрнида ажойиб меъморий обида қад кўтарди. Унинг тантанали очилишида шаҳар жамоатчилиги вакиллари, қўшни Тожикистондан меҳмонлар иштирок этди.

Маросимда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов қатнашди.

ЎзА.

БИЗНИ ЖАҲОН ҚУТЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами билан чин қалбимдан қутлайман ва шахсан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Лех ВАЛЕНСА,
Польша Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккн йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи номидан Сизга ва Сиз орқали бутун ўзбек халқига энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари Вьетнам ва ўзбек халқлари фаровонлиги ва тараққиёти йўлида бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверсин.

Ўзбек халқининг ўз мамлакатини янгилаш ва обод этиш ишида катта муваффақиятлар тилайман.

Шахсан Сизга, муҳтарам Жаноб Президент, соғлиқ, бахт-саодат ва юксак вазифангизда катта муваффақиятлар тилайман.

ЛЕ ДИК АНЬ,
Вьетнам Социалистик Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар киладилар

ЯНГИЛИКЛАР ❖ ФАКТЛАР ❖ ВОҚЕАЛАР

ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛ КЕЛАДИ

САМАРҚАНД. «Чўпонота» кичик корхонасида кичам тегирмон яратилди.

У донни янчиб, ем қилиб беради. Электр қуввати ёрдамида ҳаракатланадиган бу қурилма соатига 500—600 кг маҳсулот чиқаради. Бундай мўъжаз тегирмон фермерлар, чорвачилик хўжаликларига жуда қўл келади.

РИШТОНДА ЧИННИ ЯСАШЯПТИ



ТУМАН бадиий кулолчилик буюмлари корхонаси жамоаси янги чинни буюмлар тайёрлайдиган цехни ишга туширишди. Корхона ойига бир миллион сўмлик маҳсулот, тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, бу жамоа аҳли мустақилликка атаб 37 хил совғабоп буюмлар ишлаб чиқаряпти.

СУРАТДА: Цех мақсловчиси Чўлпоной Бадалова.

НУРОТА КАШТАЛАРИ

АНГРЕН. Улкашунослик музейида «Нурота наштарлари» — сўзана, дўппи, рўмол, жойнамоз, чойшаблар намойиш қилинмоқда.

УЛАР ўзининг ғоят ранг-баранглиги билан томошабинлар эътиборини тортмоқда. Ўлканинг анъанавий ҳунармандчилигига мансуб бўлган бу ажойиб каштачилик намуналари Навоий ўлкашунослик музейи фондининг экспонатларидир.

ЯКТАК ХАМ ХАРИДОРГИР ЭКАН

ЧОРТОҚ. Пахта тозалаш заводи қошида ташкил этилган тикувчилик фабрикасида яктак тикиш йўлга қўйилди.

БИР йил илгари корхонада 35 киши меҳнат қилар, ойига 2-2,5 минг дона эркаклар кўйлаги тикиларди. Маҳсулотга талаб ортгач, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга тўғри келди. Завод маъмурияти Япония ва Жанубий Кореядан яна ўнта тикув машинаси олди. Энди ишчилар сони 75 нафарга етди. Ҳозир ойига 13 турда, қарийб 10 минг дона кўйлак тикиляпти. Янги маҳсулот—яктак ва ўқувчи қизлар кўйлаги айниқса харидоргир экан.

ЭВАЗИГА КОРХОНА УЧУН УСКУНА



СИРДАРЁ тумани. С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил мўл полиз маҳсулотларни етиштиришди. Ана шу ҳосилнинг бир қисмини узоқ ўлкаларга жўнатишди. Эвазига узумни қайта ишлайдиган корхона учун ускуналар олишди.

КУРГАЗМА МОЗИЙНИ ЭСЛАТАДИ

БУХОРО. Ситораи моҳиҳосада «Бухоро амирига совға-саломлар ва сарой жиҳозлари» кўргазмаси очилди.

УНДА ўзининг чиройи ва безаклари билан кишини ҳайратда қолдирадиган кўзалар, идиш-товоқлар, серҳашам гиламлар, тасвирий-амалий санъатга мансуб бошқа нодир буюмлар қўйилган. Уларни амирга турли давлатларнинг элчилари, савдогарлар совға қилишган. Экспозициядан амир фойдаланган сарой жиҳозлари хашаматли шоҳмот столи, идиш-товоқ қўйиладиган таглик, юмшоқ ўриндиқ ва бошқа буюмлар томошабинларни ҳайратга солаяпти.

УЗИМИЗДА ҲАМ ТАЙЁРЛАСА БЎЛАРКАН-КУ

ТОШКЕНТ. Кимё-фармацевтика заводида қонни тозаловчи дори — гемодез тайёрланяпти.

ИЛГАРИ бу турдаги дори-дармонлар қиммат бўлишига қарамай четдан келтириларди. Корхона жамоаси шифохоналарда эҳтиёж катталигини ҳисобга олиб ана шу хайрли ишга қўл уришди. Энди хориждан ҳарид қилиш бирмунча камайса ажаб эмас.

ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг, хусусан, кам даромадли шахсларининг, пенсионерлар ва талабаларнинг ижтимоий кафолатларини янада таъминлаш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

— иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 13.500 сўм қилиб белгиланиб, иш ҳақи ўртача 1,2 баравар оширилсин;

— фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 13.500 сўм миқдорида;

— меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 14.625 сўм қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари 1,2 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар кўпайтирилсин, шу билан бирга талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашн, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар ва муассасалар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ходимларнинг мансаб окладлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур фармонга мувофиқ пенсияларнинг миқдорлари қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни пул билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишга қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсадни кўзлаб берадиган кредитлар ҳисобидан меҳнат ҳақини ошириш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 28 майдаги 607-сон фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган қўшимча қийматга белгилаиган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача кўпайтирилсин ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфлансин.

8. Ушбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 13 сентябрь.

«1993 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Аҳолининг, айниқса кам даромадли кишиларнинг, пенсионерлар , талабалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига ниҳоятда муҳим аҳамият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1993 йилнинг 1 сентябридан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдори, пенсия ва стипендиялар 1,2 баравар оширилди.

Шу йилнинг бошидан буён бу уларнинг бешинчи марта оширилишидир. 1992 йил декабридаги даражага нисбатан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар салкам 7 баравар ошди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб иш ҳақининг энг оз даражаси ойига 13500 сўм миқдорида белгиланади, ваҳоланки, Россия Федерациясида бу миқдор август ойида 7740 сўмни, Қозоғистонда 4500 сўмни, Беларусда 9000 сўмни, Туркманистонда 9600 сўмни, Тожикистонда эса 4000 сўмни ташкил этди.

Шу йилнинг 1 сентябридан иккинчи малака тоифасига эга бўлган ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи устама ва қўшимча ҳақларни қўшмасдан ҳисоблаганда тахминан 37200 сўмни ташкил этади ёки 6200 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги ўқитувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 40700 сўмни ташкил этади ва 6800 сўм кўпаяди, биринчи малака тоифасидаги шифокорнинг ўртача ойлик иш ҳақи эса 44400 сўм бўлади ёки 7400 сўм кўпаяди.

Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойнга 13.500 сўм миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 майдаги 607-сон фармонининг 6-банди ўзгартирилиб, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган қўшимча қийматга белгиланган солиқ миқдори амалдаги 5 фоиз ўрнига 6 фоизгача кўпайтирилади ва у меҳнатга ҳақ тўлашни оширишга сарфланади.

Барча турдаги пенсиялар 1,2 баравар оширилади, бунда меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 14625 сўм қилиб белгиланади. Россия Федерациясида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 14620 сўм, Қозоғистонда — 4500 сўм, Беларусда — 10500 сўм, Туркманистонда — 9600 сўм, Тожикистонда — 6000 сўм. Ўзбекистонда пенсияларнинг миқдори ўрта ҳисобда 3620 сўм кўпаяди ва ойига 21720 сўмни ташкил қилади.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ҳам 1,2 баравар оширилмоқда. Бунинг натижасида олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 10910 сўмни, техникумлардаги ўқувчиларнинг стипендиялари 8480 сўмни ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчиларнинг стипендиялари 7100 сўмни ташкил этади. Шу билан бирга улар учун талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинади. Олий ўқув юртлари талабасининг умумий даромади ойига ўрта ҳисобда 13660 сўмни ёки энг оз иш ҳақи даражасига нисбатан 101,2 фоизни ташкил қилади.

Ушбу Фармонда кўзда тутилган бюджет ташкилотларида иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ умумий харажатлар бир ойга ҳисоблаганда 26,3 миллиард сўмни, шу йилнинг охиригача эса 104,7 миллиард сўмни, шу жумладан бюджет ҳисобидан 83,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

ҲИНДИСТОН ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

12 сентябрь куни мамлакатимиз пойтахтига Ҳиндистон фуқаро авиацияси ва сайёҳлик ишлари вазири Ғулом Наби Озод бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидкосимов қабул қилди. Суҳбат чоғида дунёнинг нотинч нуқталаридаги вазият, шу жумладан, Кашмир муаммоси ва Тожикистон чегарасидаги аҳвол хусусида сўз борди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик борасида эришилаётган ютуқлар алоҳида таъкидланди.

Вазирлар сайёҳлик ишларини ривожлантириш, қўшма корхоналар очиш, мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида бўлган учрашувда бош директор Ғани Рафиқов авиакомпаниянинг ҳозирги имкониятлари ва истиқболи ҳақида меҳмонларга қисқача маълумот берди. Жаноб Ғулом Наби Озод Ҳиндистон ҳаво флотини янгилаш, аэропортларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлади. Учрашувда икки мамлакат ўртасида самолётлар қатновини кўпайтириш лозимлиги қайд этилди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, «Ўзбектуризм» миллий компаниясида ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашида ҳам бўлдилар. Тошкент марказида Ҳиндистоннинг «Тата прожект лимитед» фирмаси томонидан қурилаётган меҳмонхона биносини бориб кўрдилар.

Учрашувларда делегация аъзоларига Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги фанқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ҲОСИЛИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси суғориладиган ерларда ғалла экишни кўпайтириш ва дон маҳсулотлари ҳосилини оширишюзасидан республикада фаол иш олиб борилаётганини қайд этади. 1992 йилда суғориладиган ерлардаги буғдой ва арпа майдони 90 минг гектарга кўпайтирилиб, 1991 йилга қараганда 240 минг тонна кўп ҳосил олинди. 1993 йилда суғориладиган ерлардаги ғалла майдони яна 55 минг гектарга кенгайтирилиб, жами 390 минг гектарга етди. Ғалла ҳосили олиш ва тайёрлаш ҳам шунга мувофиқ даражада кутилмоқда.

Шу билан бирга суғориладиган ерларда гектаридан 20 центнердан кам ҳосил олиш ҳоллари ҳам кўплаб юз бермоқда. Ҳосилни йиғиб олишда, ташишда ва сақлашда нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда, тўпланган ҳосил хўжасизларча исроф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат»и ва уларнинг жойлардаги идоралари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари илғор технологияларни жорий қилиш, пахта, ғалла, бедани алмашлаб экишни ўзлаштириш, тупроқни ҳосилдор қилиш, уруғчиликни тўғри ташкил этиш масалалари билан ўта қониқарсиз даражада шуғулланяпти. Ғалладан бўшаган жойларда силос учун қайтадан маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини экиш тажрибаси қўлланилмаяпти.

Шу сабабларга кўра суғориладиган ерларда ғалла етиштириш яхши самара бермаяпти, хўжаликлар зарур миқдордаги ҳосилдан маҳрум бўляпти. Республика эса катта миқдордаги ғаллани четдан келтириб, бунинг учун валюта ва бошқа қимматбаҳо ресурсларни сарфлашга мажбур бўляпти.

Суғориладиган ерлардан олинадиган дон ҳосилини ошириш имкониятларидан тўла фойдаланиш, республикани шу ерда ишлаб чиқарилган дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1994 йил ҳосили учун суғориладиган ерларда кузги ғалла экиш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва харид ҳажми, уруғлик жамғариш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 1994 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

Республика бўйича 1994 йилда пахта экиш учун 1500 минг гектар майдонни ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Суғориш ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» сентябрь ойида жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлари билан суғориладиган ерларда ғалла ўстиришнинг самарали технологияларига бағишланган семинарлар ўтказсин. Агротехник тадбирлар мажмуининг тўла амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин, ҳар бир хўжалик ва туман суғориладиган ерларнинг гектаридан камида 40—45 центнер ҳосил олишига эришиш учун зарур миқдордаги минерал ва табиий ўғит етказиб берилиши таъминлансин.

Иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган, ҳосилдан бўшаган ерларга силос учун маккажўхори, кечки мева ва картошка, дуккакли ва бошқа тез пишадиган экинларни экиш ҳамда шу асосда ҳар гектар ердан кафолатли равишда икки марта ҳосил олиш йўли билан ғалла экишга ажратилган суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туман ҳокимликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

1996 йилда республиканинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш лозимлигини ҳисобга олиб, ғалла экин майдонларини, бундан кейин ҳам кенгайтириб бориш ва ғалла ҳосилини оширишнинг ташкилий-техникавий чора-тадбирлари амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси бошланғич уруғчилик соҳасида олиб борилаётган ишларни кучайтирсин, сара уруғ ишлаб чиқаришни ҳамда суғориладиган ерларда экиладиган ғалла навларини янгилаш ва кўпайтириш учун бўғдой ва арпанинг энг яхши маҳаллийлаштирилган навларини урчитишни таъминласин.

4. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» 1994 йил ҳосилини йиғиб олиш учун камида 3 мингта комбайн етказиб берсин. Хўжаликларни зарур миқдордаги ер ҳайдайдиган, ғалла экадиган ва тозалайдиган ҳамда бошқа зарур техника воситалари билан таъминласин, уларни таъмирлаш ва ишлатиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ғаллани экиб, ўстириб ва йиғиб оладиган комбайнлар ва бошқа техника воситаларини республикага олиб келиши учун «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир»га имтиёзли қарз берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Суғориш ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги ташкилотларини уларнинг сўровига биноан кузги ғаллани кузда (сентябрь — октябрь) ва кўкламда (март-апрель) суғориш пайтларида зарур бўлган сув билан таъминласин, зарурат туғилганида сув истеъмол қилиш лимитларига ўзгартишлар киритсин.

Жамоа ва давлат хўжаликлари шу йилнинг ўзидаёқ кузги ғалла экишда фойдаланишлари учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини тезлаштириш, 1993 йилдаёқ янги суғориладиган майдонларни ўзлаштириб, ишга тушириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагросаноатбанк»и билан биргаликда ғаллакор хўжаликларни маблағ билан таъминлаш, 1993—94 йилларда ғаллачиликни ривожлантириш учун имтиёзли қарзлар бериш тартиби масаласини кўриб чиқсин ва 15 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 10 сентябрь.

ҚАРОРГА ШАРҲ

Республиканинг ғаллага бўлган эҳтиёжи кўп йиллар давомида асосан четдан дон ташиб келтириш ҳисобига қондирилар эди. Республикада етиштирилган ғалла умумий истеъмол миқдорининг 30 фоизга яқинини ташкил этарди.

Сўнгги вақтларда жаҳон бозорида ғалла нархи сезиларли даражада ошиб кетди, истеъмолчиларга ғалла етказиб бериш қийинлашиб қолди. Шунга қарамай, республика аҳолини нон билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик мақсадида валюта, пахта толаси ва бошқа қимматбаҳо бойликларни сарфлаб, четдан ғалла келтиришга мажбур бўлмоқда.

Айни пайтда ғалла етиштиришни кўпайтириш учун республикада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир.

Илғор хўжаликлар тажрибаси суғорнладиган ерларда ҳар гектаридан 50-60 центнер буғдой олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бироқ кўпгина хўжаликларда бу кўрсаткич гектар бошига 20 центнердан ошмайди.

Шу муносабат билан суғорма деҳқончиликнинг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш, республикада ғалла етиштиришни кўпайтириш ҳисобига ана шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг суғориладиган ерларда ғалла етиштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини қабул қилди.

Қарорда бу йилги кўрсаткичлардан анча ортиқ ғалла ҳосили етиштириш ва харид қилиш ҳажми белгиланган, эҳтиёжга яраша уруғлик жамғариш тадбирларн кўзда тутилган.

Шуниси диққатга сазоворки, суғориладиган ерларда ғалла майдонини кенгайтириш пахтазорларни камайтириш ҳисобига амалга оширилади. 1994 йилда 1500 минг гектар майдонда пахта етиштириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тармоқда маҳсулдорликни ошириш ҳисобига пахта ҳосилдорлигини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан ҳамма жойда силос учун маккажўхорини қайта экишни қўллаш, кечки сабзавот ва картошка, дуккакли дон ва бошқа тезпишар экинларни ўстириш, шу негизда ҳар гектар ердан кафолатланган икки марта ҳосил олиш йўли билан ғалла экиладиган суғорма ерлардан юқори самарадорлик билан фойдаланишни ташкил этиш Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, қишлоқ хўжалиги идоралари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг энг муҳим вазифасидир.

Республика қишлоқ хўжалиги идораларига жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлари билан, суғориладиган ерларда дон етиштиришнинг илғор технологияси бўйича семинарлар ўтказиш топширилди. Агротехника тадбирлари бутун мажмуини амалга ошириш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳар бир хўжалик ва туманда гектаридан камида 40—45 центнер ғалла олиш мақсадини кўзлаб, эҳтиёжга яраша миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар солишни таъминлаш зарур.

Айни пайтда республиканинг ғаллага бўлган эҳтиёжини ўзимизда етиштириладиган ҳосил ҳисобига тўла қондириш мақсадида ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари белгиланди.

Ғалла майдонлари кенгайтирилиши муносабати илан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўзда тутилаётган таркибий ўзгаришлар муҳим эканлигини ҳисобга олиб, ғалла экинлари селекцияси ва уруғчилиги ишларини тубдан қайта кўриб чиқиш, суғорма деҳқончилик учун ғалланинг маҳаллий навларини яратиш зарур. Ғаллачиликнинг моддий-техникавий базасини жиддий равишда мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига бошланғич уруғчилик соҳасидаги ишларни кучайтириш, навларни изчил равишда алмаштириб туриш ва суғориладиган ерларда ғалла майдонини кенгайтириш учун маҳаллийлаштирилган энг яхши буғдой ва арпа навларининг сара уруғларини етиштиришни таъминлаш топширилди.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир»га 1994 йил ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш учун зарур миқдордаги комбайнларни келтириш, хўжаликларни ер ҳайдайдиган, ғалла экадиган, донни тозалайдиган ва бошқа машина ва механизмлар билан таъминлаш бўйича чоралар кўриш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш таклиф этилди.

Вазирлар Маҳкамаси фаолияти ғаллачилик хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган республиканинг бошқа вазирликлари, идораларига тегишли топшириқларни берди.

Ҳукумат белгилаган тадбирлар яқин йиллар мобайнида республика хўжаликларида ғалла етиштиришни анча кўпайтириш, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардан келтириладиган ғаллага муҳтожлигини камайтириш имкониии беради.

Жаҳон 24 соат ичида

ИСРОИЛНИНГ ЯДРОВИЙ ЗАРЯДЛАРИ

Исроил қарийб 200 та жанговар ядровий зарядга эга. Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси Пентагондаги ва АҚШ ҳукумат муассасаларидаги манбаларга таянib шу ҳақда хабар қилди. Унда айтилишича, Исроил кейинги 25 йил ичида тўпланган бомба ва ракеталарга ўрнатиладиган зарядлар Буюк Британиянинг шу турдаги яроғларидан ҳам зиёдадир.

ТРАНСПОРТНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ТУРИ

Япония нақлиёт вазирлиги автомобил ва темир йўл магистралларида транспорт ҳаракати мураккаблашганини ҳисобга олиб, мамлакатда кемалар қатнайдиган каналлар тармоғини яратишни таклиф этди. Вазирлик 16 та канал қурилишн лойиҳасини тасдиқлади. Улардан энг узуни 157 километр бўлиб, у Панама каналидан атиги 4 километр қисқа холос. Хонсю оролини иккига бўладиган бу иншоот лойиҳаси 200 миллард нен (қарийб 1,9 миллиард доллар)га тушади.

ИСРОИЛ ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТАН ОЛДИ

Исроил Бош вазири Ицҳак Рабин ва Фаластин Озодлик ташкилотн ижроия қўмитаси раиси Ясир Арафат, бир-бирларига расмий мактуб йўлладилар. Бу мактубларда Исроил ва Фаластин озодлик ташкилотн ўзаро бир-бирини тан олгани қайд этилади.

Л. КУЧМА ҲОЗИРЧА ВАЗИФАСИДА ҚОЛАДИ

Ўтган пайшанба куни Украина Бош вазири Л. Кучма Президент Л. Кравчукка истеъфонома йўллаган эди. Бироқ Украина Президенти ушбу масала мамлакат парламентида кўриб чиқилгунча Вош вазирни ўз вазифасини бажариб туришга даъват этди. Леонид Кучма Президентнинг таклифига розилик билдирди.

ТОЖИКЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

8 сентябрь куни Душанбедаги С. Айний номидаги опера ва балет театрида тожиклар ва хориждаги ватандошларнинг иккинчи халқаро форуми очилди. Форумга 21 хорижий мамлакатдан вакиллар келди. Тожикистон давлати бошлиғи, Республика Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов форумда нутқ сўзлади. Уша куни Борбад номидаги киноконцерт залида Тожикистон Республикаси санъаткорларининг катта концерти бўлди. 9 сентябрь куни эса меҳмонлар Душанбеда Тожикистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги тантаналарида қатнашди. Шаҳардаги Фрунзе номидаги стадионда мустақиллик кунига бағишланган байрам томошалари форум қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

• *Шунақасиям бўлади*

«ҲАМШИРА» НИҚОБИДАГИ ҚАЛЛОБ

Кундалик ташвишларга тўла оддий куз кунларида ҳам ҳар ким ўз юмуши билан банд. Пешиндан сўнг совет ўчар чамаси, шаҳарнинг 22-микрорайонидаги 29-уйининг эшиги бетоқат тақиллади.

Ота-онаси ишга кетганлиги учун уйда ёлғиз ўзи ўтирган 10—11 ёшлардаги бола бемалол бориб эшикни очди. Шу заҳоти ташқарида турган нотаниш жувон ўзини уйга урди ва шоша-пиша эшикни ёпиб, болага ялина бошлади: «Мени безорилар қувиб келишяпти, ўлдирмоқчи, жон ука, бир пас ўтиратурай». Бола дарҳол эшикни қулфлаб, жувонни ичгарига бошлади. Бир пас гаплашиб ўтиришди.

— Сениям овора қилдим, юмушларинг бўлса қилавергин, мен ҳозир чиқиб кетаман, — деди кўзлари безовта жовдираб аёл.

Бола ҳам уни ортиқча ҳижолат қилгиси келмади чоғи, бошқа хонага чиқиб, ўз юмуши билан бўлди. Орадан анча вақт ўтгач, аёл унинг олдига келиб илтимос қилди: «Ука, мен кетмоқчи эдим, лекин жуда қўрқаяпман. Улар мени пойлаб туришган бўлишса-я? Илтимос, сен секин ташқарига чиқиб қараб кўр-чи, ҳеч ким йўқмикан?»

Соддадил боланинг ёрдам бергиси келгани учун ҳам аёлни уйда қолдирганича, ўзи ташқарига чиқди. У ёқ-бу ёққа қараб, йўлнинг икки томонини, бекатларини кузатди, лекин шубҳалангудай ҳеч кимни кўрмади. Кўнгли жойига тушгач, аёлни хотиржам қилиш учун уйга келди, лекин таажжубки уйда ҳеч ким йўқ эди. Хоналарни бирма-бир қараб чиққан бола уйдаги бир қанча қимматбаҳо нарсаларнинг ҳам йўқолганини пайқади. Магнитофон, дастурхон, ҳатто қўлга илингудек озиқ-овқат маҳсулотларига қўшилиб жавонлардаги пуллар ҳам ўғирланган эди!

Кечқурун ишдан келган онаси Зоя Сим фарзандининг соддалигидан куйиб-пишди, лекин начора! Уйдан жами салкам 20 минг сўмлик (эски баҳода) буюм ва пуллар ўғирланганлиги ҳақида милицияга ариза беришдан бўлак иложи йўқ эди.

Шу воқеадан бир ойдан сўнг шаҳардаги Бердақ шоҳкўчасининг 54-уйида ҳам худди шунга ўхшаши такрорланди. Уй эгаси Рисгул Бўриева ишга кетган, уйда ўғли ёлғиз қолган эди. Эшик қўнғироғи чалингач, ичкаридан эшитилган «ким» деган сўроққа «очнинг, мен ҳамшираман, уйларнинг озодалигини, санитария ҳолатини текшириб юрибман», деб жавоб берди келувчи. Эшик очилгач, «ҳамшира» аёл хоналарни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Болани гоҳ санитария дафтарини, гоҳ ручка олиб келишга юборди. Уйнинг тозаланмаган жойини ҳозироқ супуриб тозалашни буюрди, акс ҳолда жарима солажагини айтиб пўписа қилди. Ўзи эса унгача нарнги хонада чой ичиб ўтиришини айтди. Хуллас, бу ердан ҳам «ҳамшира» боланинг кўзини шамғалат қилиб ғойиб бўлди. Шундай қилиб Рисгул Бўриеванинг салкам 26 минг сўмлик қимматбаҳо буюм ва кийимлари йўқолди.

Шаҳар милиция бўлимида эса шу мазмундаги аризалар тобора кўпаяр, лекин номаълум «ҳамшира» сира тутқич бермасди...

22 декабрь куни шаҳарнинг «Сарвиноз» массивн 4-уйда истиқомат қилувчи Марат Саидабдуллаевнинг 16 минг 100 сўмлик, 29 декабрь куни Бердақ гузаридаги 15-уйда яшовчи Гулсара Хўжаахмедованинг бир минг 300 сўмлик, шу йилнинг 8 январь куни Калинин кўчаси 16-уйда яшовчи Темур Чиғимбоевнинг 18102 сўмлик, 11 январь куни Бердақ шоҳкўчасининг 19-уйида яшовчи Ириада Кимнинг 21181 сўмлик, 2 февраль куни 61-даҳа 4-уйда яшовчи Салтанат Орифбоеванинг 584 сўмлик ҳар хил буюмлари, кийим-кечак, тақинчоқ ва пуллари нотаниш «ҳамшира» томонидан гумдон қилинди.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» дейдилар. Ўзининг «уддабурон»лигидан мамнун ўғри 4 февраль куни Калинин кўчаси 10-уйда, Тўлибой Изимов хонадонида тозаликни текшириш баҳонасида унинг 4128 сўмлик буюмларини сумкасига жойлаётганида қўлга тушиб қолди. У шунда ҳам сир бой бермай, ташқаридан кнриб келган кишига «мен бу нарсалар учун уй эгасига пул тўлаб қўйганман», дея ўзини оқламоқчи бўлди. Бироқ айни чоғда ўзининг уй эгаси билан суҳбатлашаётганини билмасди...

Хўш, «уддабурон, ҳамшира» ким ўзи? У 1963 йилда Беруний шаҳрида туғилиб, Нукус шаҳар 21-микрорайон, 4-уйда истиқомат қилувчи Гулойим Орзимбетова экан. Афсуски, бугунгидек тақчил даврда товламачилик ва ҳаром йўллар орқали яхши яшашни ният қилган бу жувон орзусига ета олмади. «Меҳрибон ҳамшира»ннг ўзига «тез ёрдам» беришга тўғри келди. У Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 125-моддаси 3-қисми ва 126-моддаси 3-қисми билан айбланиб, қамоққа олинди.

Мансур АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида улуғ мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанд таваллудига бағишланган илмий кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда ёзувчи-шоирлар, олимлар ва талабалар, меҳмат жамоалари вакиллари иштирок этишди.

Илмий кенгашни очар экан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол Нақшбанд бой маънавий мероси орқали биз буюкларимиз қолдирган бебаҳо хазиналарга юз бураётганлигимизни алоҳида таъкидлади. Анжуманда сўзга чиққан Моворауннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси муфтий Мухторхон ҳожи Абдулло ўғли Нақшбанд Фаталимоти Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф мазмуни ва руҳияти асосида дунёга келганлигини айтиб ўтди. Олим Иззат Султоннинг маърузаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Нақшбандия таълимотининг энг инсонпарвар ва тараққийпарвар ғояларидан бири ҳилватга чекинмасдан, одамлар ичида туриб ҳам, яъни эътиқодли одам ҳар қандай шароитда ҳам Оллоҳни унутмаслиги мумкинлигини исботлаб берганлигида, деди ҳурматли олимимиз. Шунингдек, афғонистонлик машҳур олим Абдулҳаким Жузжоний, профессор Ориф Усмон ва бошқалар Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг турли қирралари ҳақида қизиқарли маърузалар қилдилар.

АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ

«ТИКО», «ДАМАС» СИНОВДАН ЎТАЯПТИ

АСАКА — ДЭУ қўшма автомобилсозлик корхонасида жорий йилнинг тўртинчи чораги охиригача камида 700 дона «ТИКО», «ЛАБО», «ДАМАС» маркали автомашиналар ишлаб чиқарилади. Шу кунларда эса биттадан «ТИКО» ва «ДАМАС» автомашиналари Асакадан Тошкент сари йўлга чиқди. Улар республикамизнинг бир неча вилоятларида бўлишади. Кўзда тутилган мақсад шу моделлардаги енгил автомашиналар технологиясини Ўзбекистон автойўллари талабига мос келадиган даражага етказиш.

АНДИЖОНДА ГЎШТ КОНСЕРВАЛАРИ

ГЎШТ комбинати мутахассидлари республикамизда биринчилардан бўлиб гўшт тайёрловчи цехни қуриб фойдаланишга топширдилар. Шу вақтга қадар бундай маҳсулот Ўрта Осиё минтақасида Ўш гўшт комбинатидагина ишлаб чиқариларди, холос. Эндиликда Андижон гўшт комбинатида бир неча турдаги консервалар тайёрланади.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СЕҲРИНГ БОРМИ, ҚАДИМ ТАНОВОР?



Мамлакатимизда буюк санъаткор, истеъдодли раққоса Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Санъат ихлосмандлари куни кеча яна бир ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлишди. «Баҳор» концерт залида Мукаррама Турғунбоеванинг музейи очилди.

Бетакрор санъаткорнинг умр йўли машаққатли, қувонч ва шодликларга бой бўлди. Унинг қалбида санъатга, айниқса, рақс санъатига иштиёқ жуда ёшлигиданоқ уйғонганлигини музей экспонатларидан сезиш қийин эмас. Кўргазмага қўйилган раққоса ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ материаллар билан танишар экансиз кўз ўнгингизда республикамиз санъат тарихи қайта жонлангандек бўлади. 30-йиллардаги санъатимиз ривожи учун ялпи ҳаракат ва шодликларга бой бўлди. Унинг қалбида санъатга, айниқса, рақс санъатига иштиёқ жуда ёшлигиданоқ уйғонганлигини музей экспонатларидан сезиш қийин эмас. Кўргазмага қўйилган раққоса ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ материаллар билан танишар экансиз кўз ўнгингизда республикамиз санъат тарихи қайта жонлангандек бўлади. 30-йиллардаги санъатимиз ривожи учун ялпи ҳаракат ва шу ҳаракат марказида турган улуғ санъаткорларимиз сиймоси кўз ўнгимиздан бир-бир ўтади. Мукаррама Турғунбоева учун худди шу йиллар ҳақиқий ижод ва шаклланиш даври бўлди. Ҳали ўттиз ёшга етмаган раққоса қиз Ўзбекистон халқ артисти деган юксак унвонга сазовор бўлади. Ушбу қувончли воқеадан гувоҳлик берадиган ҳужжатлар музейда алоҳида ўрин олган.


Мукаррама опа чинакам маънодаги халқ артисти эди. У бир қарасангиз фарғоналик пахтакорлар, бир қарасангиз Қашқадарё чўпонлари, яна бир ҳолатда канал қурувчилар ҳузурида бўлганлиги, ҳаёти доимо оддий меҳнаткаш халқ орасида ўтганлиги абадиятга муҳрланган суратларда акс этган. Опанинг нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ иттифоқ ва кўплаб хорижий мамлакатларда мухлислари, дўстлари бўлгаилиги барчамизга яхши маълум. Бир суратда машҳур ҳинд санъаткори Раж Капур билан акс этган сиймосига кўзингиз тушганда опанинг истеъдоди ана шундай улуғ киноактёрни ҳам қойил қолдирганлигига ишончингиз комил бўлади.

Мукаррама Турғунбоева ёш истеъдодларнинг севимли устози ва жуда катта ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам санъатимиз тарихидан муносиб ўрин олган. У йигирма бир йил мобайнида «Баҳор» ансамблига мурабийлик қилди. У қарийб 200 га яқин янги рақслар саҳналаштирди. Ўзбек халқининг қадимий санъатини жаҳон бўйлаб обрў-эътибор топишида жуда катта ҳисса қўшди. Санъатимизнинг бугунги тараққиётини таъминлаган юзлаб ёшларни тарбиялаб вояга етказди. Жуда катта меҳр ва ҳурмат билан ташкил этилган ушбу музейда буларнинг барчаси хусусида кенг ҳикоя қилинади. Мукаррама опамизнинг халқимиз ва маданиятимиз учун қилган катта хизматлари, эътирофи сифатида туғилган ушбу музей республикамиз аҳлининг табаррук қадамжоларидан бири бўлиб қолади, деган умиддамиз.

СУРАТЛАРДА: музей экспонатлари.

• Театр

МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ



Ҳамза номидаги Ўзбек академик театри «Соҳибқирон Темур» спектакли билан ўзининг 75-мавсумини очди. Шу муносабат билан театр бош директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ «Халқ сўзи» мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Республикамиздаги энг кекса, халқ эъзозлайдиган, бир неча авлодларга хизмат қилган ва улкан санъат усталарини етиштириб чиқарган Ҳамза театри 75 йилдан бери фаолият кўрсатиб келяпти. Шунинг учун ҳам биз бу янги мавсумни юбилей, тўй мавсуми, масъулиятли мавсум деб биламиз. Чунки ҳар бир тўю байрамлар олдидан нималар қилишга улгурдинг, қандай яшадинг, халққа, Ватанга қандай фойданг тегди каби саволларга жавоб бериш лозим бўлади — сарҳисоб талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда театримиз ўзининг 75 йиллик юбилейига ёруғ юз билан келди, дея оламиз. Бу ўтган вақт оралиғида ўнлаб, юзлаб жаҳон, ўзбек классикаси, замонавий асарлар, трагедиялар ҳамда комедиялар саҳна юзини кўрди. Театримиз ўзининг салобатини, анъаналарини эл орасидаги мавқеини йўқотган эмас. Жамоамиз доимо халқ хизматида, она юртимиз, жаннатмакон, мустақил Ўзбекистонимизнинг



шон-шуҳратини ардоқлаган, эъзозлаган, бошига кўтарган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бу йилги мавсумга келсак, яқин уч ой ичида театрда иккита спектакл премьераси бўлиб ўтди. Француз адиби Пуарининг «Алдагани хотин яхши» спектаклини республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Ёдгор Саъдиев саҳналаштирган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур спектакл илгари Аброр Ҳидоятов номидаги театрда ҳам саҳна юзини кўрган. Ёдгор Саъдиев эса унда бош ролни ўйнаган эди. Иккинчиси, машҳур адибимиз Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари асосидаги спектаклдир. Бу саҳна асарини театримиз режиссёри Сергей Каприелов саҳналаштирган. Биласизми, кўпчилик «Шум бола»ни болаларгагина муносиб асар, деб билишади. Биз эса бу спектаклни ҳам ёш томошабинларга, ҳам катта ёшдаги мухлисларга мослаштириб тайёрладик.







СУРАТЛАРДА: театр спектакларидан кўринишлар. С. МАҲКАМОВ тасвирлари.

Умуман, уни барча тоифадаги театр мухлислари ҳузур билан томоша қилишлари мумкин. Ҳузур билан, деб бежиз айтмадим. Чунки режиссёр спектаклни ўзига хос талқин қилди. Унда ўйин ҳам, ашула ҳам, ҳазил-мутойиба саҳналари ҳам мавжуд. Премьерадан сўнг спектакл мутахассислар томонидан жуда юқори баҳоланди. Бош ролни ижро этган ёш ва талантли актрисамиз Мадинахон Мухторованинг маҳоратига таҳсинлар айтилди. Томошабинлар ҳам олқишлар билан кутиб олишди. Мазкур спектаклар ҳам мухлисларимизнинг севимли асарларига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Мўлжаллаб турган режаларимиз ҳам кўп. Аввало, биз ўзимизнинг классик адибларимизнинг асарларига саҳнадан кенг ўрин бериш-моқчимиз. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийларнинг асарлари ана шулар жумласидандир. Режиссёр Марат Азимов Фитратнинг «Абдулфайзхон» асари устида иш олиб боряпти. Яна Чўлпоннинг «Ёркиной» асари тайёрланяпти (режиссёри — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев). Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини инсценировка қиляпмиз. Улар ҳам яқин орада саҳна юзини кўради, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга биз жаҳон классикасини ҳам унутганимиз йўқ. Театр бош режиссёри Рустам Ҳамидов Шекспирнинг «Макбет» асари устида иш олиб бораётир, роллар тасдиқланиб, бўйруқ чиққан. Шу йилнинг охирлари ёки янги йилнинг бошларида саҳнага қўйилади.

Барибир, «қизил гап» бўлса ҳам айтишни истардим, санъатсиз ҳаёт бўлмайди. Қорин тўқ, уст-бош бут, бой-бадавлат бўлиш мумкин. Аммо маънавий қашшоқлик бўлса, ҳаммаёқ кун-паякун бўлиши муқаррар. Халққа зиё нурларини тарқатувчи маънавият соҳаларидан бири театр санъатидир. Унинг кичкина бир тармоғи эса Ҳамза театридир. Азиз томошабинлар учун бизнинг эшикларимиз доимо очиқ. Мақтаниш эмасу, бизнинг спектаклларимиз яхши даражадаги спектакллар сарасига киради. Репертуаримизда 20 та саҳна асари мавжуд. Бир киши ойига битта спектакл кўрганда ҳам (ўйлайманки, санъат учун икки соат вақт топилади) Ҳамза театрининг спектакларини деярли икки йилда кўриб чиқар экан. Сўзимнинг охирида томошабинларни яна бир бор театримизга таклиф қиламан. Ўйлайманки, улар ўзларининг севимли актёрларини доимо қўллаб-қувватлаб туришади.

«Халқ сўзи» мухбири Ғафур ЭШМУРОДОВ ёзиб олди.

ЎН МИНГЛИККА ҲУШЁР БЎЛИНГ!

Хайриятки, ҳали бу дунёда ўз ишига уста, топширилган вазифани виждонан бажарадиган кишилар кўп. Бўлмаса... Бўлмаса, ие-ие одамлар қўлларида бир пулга қиммат қоғозни тутганча арзларини кимга айтишларини билмасдан, лол қолашарди. Худди Хўжанд туманидаги гиламфурушлардан бири каби.

Унга айни муомалада фақат 1993 йилда чиқарилган Русия рубллари қолармиш, деган маҳал серпул бир харидор учраб қолди. Икки-уч кундаёқ битта гилам нархининг осмон баравар — юз минг рублга кўпайганидан ўзинн йўқотиб қўйганмиди у, ё бошқами, қўлига тутқазилган йирик-йирик пулларга тузукроқ қарамадиям Фақат харидор гиламни олиб ном-нишонсиз йўқолгач, бармоғини тишлаб қолди. Гиламфурушнинг қўлига 120 минг қалбаки рубл тутқазиб кетишган экан!

«Тожикбанкбизнес»нинг Конибодом шаҳридаги бўлими ҳазиначиси Хосият Ёрматова эса энг тиғиз дамларда ҳам ҳушёрлигини кўрсатди. У банкка топширилган қанча-қанча пулнинг орасидан қалбакисини таниб қолди. Бу ўнча-мунча эмас — ҳар бирн ўн мингталик бўлган 200 дона пул, ҳаммаси бўлиб эса 2 миллион рубл эди. Хосият дарров тегишли жойларга хабар берди. Шаҳар милиция бўлими кенг миқёсда қидирув ишларини бошлади. Вилоятдан четга чиқиладиган барча йўллар жиддий текширувдан ўтказнла бошланди.

Конибодом унчалик катта шаҳар эмас. Устига ҳамма ҳам ўн мингталик боғламларини топширавермайди. Хуллас, банк хизматчилари бу пулларни ким топширганлигини эслашди. Уни шаҳар савдо идорасининг кассири топширган экан. У бу пулларни бир кун олдин идораларида савдо бўлими бошлиғи ва омбор мудири бўлиб ишлайдиган кишилардан олганлигига иқрор бўлди. Икковлон кассирга янги пулларни топширишган ва ўрнига эски пулларни олиб кетишган экан!

Шу ўринда савол туғиладн: савдо идорасининг бўлим бошлиғи ва омбор мудири ўзлари билан бирга ишлаётган кишини алдаётганликларини, яъни қалбаки пул топшираётганликларини билишармиди? Текширишдан маълум бўлишича, билишар экан. Чунки ўша «қўлга туширилган» пулларнинг ҳар миллионига 650 минг рублдан тўлашган. Конибодомга чўнтак қаппайтириш мақсадида келган чечен «меҳмон»лардан ўн мингталикларни сотиб олишаркан, улар бу пулларнинг қалбаки эканлигини била туриб, осонгина, 700 минглик бўлиб қолишни ўйлашган.

Қинғир ишнинг миси чиқди. Чучварани хом санаган савдо ходимларнинг ўзлари куйиб қолишди. Улар қалбаки пулларни кимдан олганликларини айтиб беришди. Марказий осиёлик кишиларни анойи билган кавказлик икки чапдаст кўп ўтмай Хўжанд шаҳрининг «Ленинобод» меҳмонхонасида қўлга олинди.

— Текшириш давомида биз улардан яна 1100 қалбаки доллар топдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг мудири Обиджон Қосимов. — Уларнинг ҳар бири юз долларлик Америка пуллари экан.

Кавказлик икки қалбаки пулсотар анчагача ҳеч нарсани тан олмай турди. Лекин ниҳоят рад этиб бўлмас далиллар уларни тилга киритди. Улар ўн мингталикларни Грозний бозоридан сотиб олишган эмиш...

Бир қараганда Грозний дан келтирилган ўн мингталикларни чинакам пуллардан ажратиш қийин. Афтидан, бу пуллар ё япон ёки олмон аппаратларида тайёрланган. Лекин шунга қарамай вилоят банкларидаги автоматлар бундай пулларни сира ўтказмайди. Одамлар ҳам пул санаётганда шошмасалар, уларнинг сохталигини сезиб олишлари мумкин. Чунки бу пулларда сувқоғоз белгилари йўқ. Қалбаки пул ясовчилар қанчалик уста бўлмасинлар, хайриятки, ҳали-ҳозирча бундай нишонларни тайёрлашга қодир эмаслар. Устига-устак бармоқлар сал ҳўлланса бўлди, сохта пулнинг ранги ўчаверади.

Пулфурушларнинг айтишларига қараганда, улар Хўжандга Минводидан Тошкент орқали келишган. Хўжанд меҳмонхонасида ўн кун бўлишган. Демак, бу орада анчагина қалбаки пулни сотишган бўлишлари мумкин. Фақат Ленинобод вилоятида эмас, балки Ўзбекистонда ҳам ўн мингталикларни пуллаган чиқарлар!

— Биз қаллобларни қўлга туширганимиздан сўнг тезда Ўзбекистон ва Русияга хабар бердик, — дейди Обиджон Қосимов. — Аввало, қўшниларимиздан ҳеч кимнинг алданмаслигини истаймиз. Кейин Русия тафтиш органлари ўша қалбаки пулларни тайёрлаган аппаратларни топиши зарур.

Шундай қилиб, Конибодомдаги ҳодиса бошқаларни ҳам хушёрликка чақиради. Балки Грозний бозорида сотилаётган пуллар (агар чиндан ҳам шу бозорда сотилган бўлса, албатта, асл манба балки кейинроқ аниқланар) бошқа вилоят ва шаҳарларга ҳам пуллаш учун олиб кетилгандир. Эҳтимол конибодомлик икки савдо ходимига ўхшаган «мўмай даромад»га ишқибоз кишилар қалбаки пулларни кавказликлардан «арзони»га сотиб олиб, дарров 1992 йилгача бўлган пулларга алмаштиришаётгандир! Балки... Балки бундай эмасдир ҳам. Лекин ҳар ҳолда ҳушёр бўлган одам ютади!

Уринбой УСМОН, Хўжанд.

• Спорт • Спорт • Спорт •

ШОҲМОТНИНГ «ТИЛЛО ТОЖИ» ИККИТА

Лондон ва Амстердамда шоҳмот бўйича бир йўла Иккита жаҳон чемпионати бошланди. Би-Би-Си ва Ай-Ти-Эн телекомпаниялари ушбу биринчилик учун 70 соат вақт ажратди. Бу деган сўз биринчи марта жаҳон аҳли кенг қамровли шоҳмот кўрсатувларини томоша қилишга муваффақ бўлишади.

Маълумки Каспаров ва Шорт Халқаро шоҳмот федерацияси «ФИДЕ» паноҳида турли йиллардаги саралаш босқичларидан ўтиб, шоҳмот оламининг энг юқори поғонасига кўтарилган эди. Эндиликда улар ХШФга «душман» саналмоқда ва «Таймс» газетаси ҳомийлигида жаҳон тожи учун Лондонда баҳсга киришишди. Ўз навбатида ХШФ ҳимоя чораларини кўряпти. Акс ҳолда бутун бир ташкилот инқирозга учраши тайин. Шунинг учун ХШФ аввало жаҳон тожи учун кураш баҳсини ўтказишга киришди. Агар жаҳон чемпионлиги учун кураш ўтказилмаса, ХШФ ташкилотининг ҳаётийлигига путур етказилган бўларди. Жаҳон чемпионатисиз ХШФ фаолият кўрсатиши мантиққа зиддир. Шунинг учун ҳам Карпов ва Тимман ўртасида жаҳон тожи учун баҳс «уюштирилди» ва ХШФ бу билан «душман» — Профессионал шохмот ассоциациясига (ПША) ўзининг «қақшатқич» зарбасини берди. ХШФ ва унинг президенти Флорида Компоманес шу билан қаноатланиб қолмади. Аввалига Каспаров ва Шортни жаҳон рейтинг варақасидан чиқариб ташлади. Кейин эса зудлик билан бўлғуси жаҳон тожи учун саралаш баҳсини ўтказди ва тартиб-қоидаларига ўзгартишлар киритди. Энг муҳим муваффақиятга ХШФ Билда ўтказилган зоналараро турнирда эришди. Бу ерда Каспаров томонидан янги тузилган ПША паноҳидаги жаҳон биринчилигида қатнашишга энг кучли шоҳмотчилар таклиф қилинганда 70 гросмейстер қарши овоз берди. Фақат Иванчук, Ананд ва Двойрисгина бетараф қолишди. Шундай бўлишига қарамай икки ташкилот ўртасидаги «уруш» ҳамон давом этяпти.

Албатта, шоҳмот мухлисларининг диққат марказида аввало Лондоидаги учрашув турибди. Зеро, жаҳоннинг ҳақиқий энг кучли шоҳмотчиси айнан шу ерда баҳсга киришди. Мутахассислар эътирофича бу дуэлда Каспаров ғолиб чиқади. Лекин инглиз Нойджел Шорт ҳам осонлнкча таслим бўладиганлардан эмас.

Амстердам дуэлида Анатолий Карповнинг ғолиб чиқишига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ. Буни рақиблар ўзаро ўйнаган партиялар натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Карпов ва Тимман шу пайтгача 57 марта шоҳмот тахтаси ёнида қарамақарши ўтиришган. 19 марта Карпов, бор йўғи 5 марта Тимман ғалаба қилган, қолган партияларда дуранг қайд этилган. Яна шуни айтмоқ жоиз. Карпов олдинги жаҳон чемпионати даъвогарлари финал учрашувида Тимман устидан 6,5:2,5 ҳисобида устун келган эди.

Ҳозирча Лондонда бир партия ўйналди. Қора доналар билан ўйнаган Н. Шорт 38-юришга келиб, вақт танқислигига, яъни шоҳмот тилида айтганда «цейтнот»га учради. У 5 дақиқа давомида 10 та юриш қилиши лозим эди. Шундай қилиб Каспаров биринчи ғалабани қўлга киритди.

Амстердамда эса икки партия ўйналди. Биринчи партиядаёқ Карповнинг ғалаба қозониши учрашувнинг тақдири қандай тугашини аввалдан маълум қилгандек бўлди. Бироқ кейинги партияда Тимман муваффақиятли дона суриб, ҳисобни тенглаштиришга эришди.

Кеча ҳар икки шаҳарда биттадан партия ўйналди. Иккаласи ҳам дуранг билан тугади.

КАНАДАДА ЮРТИМИЗ БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАДИ

Эркин курашчиларимиз Канаданинг Торонто шаҳридан қайтиб келишди. Бу ерда ўтказилган жаҳон чемпионатида етти нафар спортчимиз кучлилар билан гиламга чиқишди.

Умумий ҳисобда АҚШ полвонлари 74 очко жамғариб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди. Улар шахсий ҳисобда учта олтин, иккита кумуш медал олишди. Битта олтин ва иккитадан кумуш ҳамда бронза медалига сазовор бўлган Россия спортчилари жамоа ҳисобида иккинчи бўлишди.

Вакилларимиз ҳам бу мусобақада яхши иштирок этишди. Жамоа ҳисобида ҳамюртларимиз 20 очко жамғариб, 9-ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса Рамил Атауллин (62 кг) ва Руслан Хингачов 82 кг) жаҳон чемпионатининг «бронза» медалига сазовор бўлишди. Демакки Канадада ҳам Ўзбекистон байроғи икки марта кўтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН— ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

АЗАЛ-азалдан халқимиз полвонлари билан фахрланиб келишган. Полвонлари ҳақида афсоналар тўқишган. Бу афсоналар ҳали-ҳануз одамларимизнинг оғзидан тушмайди. Алпомиш, Аваз-хон, Гўрўғли, Кўкалдош...

Айни кунда ҳам юртимиз полвонларининг халқаро майдонларда зафар қучишаётганликлари бизни қувонтиради. Яқинда Грецияда бўлиб ўтган эркин ва грекоримкураши бўйича жаҳон чемпионатида вакилларимизнинг зафар қозонишгани ҳақида хабар қилган эдик. Кеча эса Туркиядан хушхабар олдик. Бу мамлакатда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасида эркии кураш бўйича халқаро турнирда тошкентлик Ҳошим Ҳакимов фахрий шоҳсупага Ўзбекистон мадҳияси остида кўтарилди. Яна бир вакилимиз Николай Телегин эса турнирнинг «кумуш» медали соҳиби бўлди.

Ўсмир полвоиларимизнинг кейинги пайтларда халқаро майдонларда муваффақият қозонишаётганлигини инобатга олсак, ушбу спорт тури бўйича республикамиз спортчиларининг жаҳон майдонида келажакда янада юқорироқ натижаларга эришишига умид қилсак бўлади.

ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНД ОРАЛИҒИ «БИР ҚАДАМ»

АМЕРИКАЛИК Дэвид Кинст жаҳонда биринчи бор экватор бўйлаб (фақат қуруқлик қисмини) ер юзини пиёда айланиб чиқди. У 23300 километр масофани 4 йилу уч ярим ой муҳлатда босиб ўтди. Бу сайёҳлик давомида Дэвид 21 марта яроқсиз бўлиб қолган пойафзалини алмаштиришга тўғри келди. Сайёҳ жаҳоннинг 13 мамлакатида бўлди.

Англиялик Жон Мейган бундан ҳам узуноқ масофада пиёда юрган. Жон Америка қитъасининг жанубидан шимолий нуқтасига етгунча 30431 километр масофани босиб ўтишига тўғри келди. Бунинг учун унга 2426 кун керак бўлди. Бошқача айтганда Мейган 1977 йил 26 январда йўлга чиқиб, 1983 йил 18 сентябрда манзилга етган.

Айни кунда яна бир пиёда юриш ихлосманди йўлда «сайр қилиб, вақтини хушлаб» юрибди. У инглизларга мансуб Ньюмандир. Сайёҳ бундан тўрт йил аввал йўлга чиққанди. Ҳозиргача унинг йўналиши бўйлаб тўртта қитъа «бирлашди». Ньюманнинг саноғи бўйича 40 миллион қадам ортда қолди. Сайёҳ Европадан чиқиб Африка, Осиё, Австралия на Шимолий Америка қитъасининг 22 мамлакатига қадамжо қилган. Поездга чипта оламан деб овора бўлмай десангиз, бу сайёҳликлар олдида Тошкент ва Самарқанд оралиғи «бир қадам».

Р. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАРАДОНАНИНГ ҚАҲРИ УРДИ

ФУТБОЛ бўйича икки марта жаҳон чемпиони Аргентина терма жамоаси кутилмаганда жаҳон чемпионати саралаш босқичининг ҳал қилувчи ўйинида, бунинг устига ўз майдонида Колумбияга 0:5 ҳисобида ютказиб қўйди. Бу мағлубиятдан сўнг Аргентина дунё биринчилигининг финал қисмига берладиган гуруҳдаги ягона йўлланмадан маҳрум бўлди. Жаҳон вице-чемпионлари таркибида Каниджа ва Марадонанинг йўқлиги билинди. Маълумки, Каниджа допинг қабул қилгани учун футболдан маълум муддатга четлатилган эди. Марадонани бош мураббий хушламади.

Колумбия эса Греция, Россия, Мексика, АҚШ ва Германиядан сўнг финалда қатнашиш ҳуқуқини берадиган олтинчи йўлланмани қўлга киритди. Ўтган жаҳон чемпионатининг финалчиси Аргентина АҚШга бориши учун яна бир йўл қолди. У ҳам бўлса ўз зонасида ғолиб чиққан Австралия терма жамоасини икки учрашунда мағлуб этиши керак.

РОССИЯ УЧУН ТУЙНУКЛАР ОЧИҚ

УТГАН ҳафтада жаҳон чемпионатининг бир қанча саралаш учрашунлари ўтказилди. Қизиғи шундаки, бир пайтлар «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилган Андрей Пятницкий Венгрия терма жамоаси дарвозасига тўп киритиб, Россиянинг навбатдаги галабасига (3:1) ҳисса қўшди. Россия Андрейдан ташқари ушбу ўйинга яна икки хориж футболчисини жалб қилди. Бу янги аъзолар Украина ўғлонлари Олег Саленко ва Юрий Никофоровдир. Халқаро футбол федерацияси низомига кўра терма жамоа сафида хориж футболчилари қатнашиши қатъиян ман қилинган. Лекин россияликларнинг бу қонунни четлаб ўтиш имкониии топганлиги кишини ҳайратлантиради.

ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

"ЎЗБЕКИНТУР" РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

сизларни қизиқарли ва ажойиб саёҳатларга таклиф этади

СУРИЯ (Алепо) чартер рейси билан БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (Шарджа-Дубай)	5-7 кун
ТУРКИЯ (Истамбул)	7 кун
ЭРОН (Машҳад)	7 кун
ТАЙЛАНД (Бангкок)	5-6-7 кун
ТАЙЛАНД (Бангкок-Паттайа)	7 кун
ОЛМОНИЯ (Любек) денгиз орқали	7 кун
ОЛМОНИЯ (Гамбург) денгиз орқали	10 кун
ГОЛЛАНДИЯ (Роттердам) денгиз орқали	10 кун
ПОЛЬША, ОЛМОНИЯ, ФРАНЦИЯ	10 кун
	7 кун

ДИҚҚАТ! Энг арзон нархлар!
"Ўзбекинтур" бирлашмаси фақат бир марта 15 сентябрда Туркиянинг Истамбул шаҳрига 7 кунлик саёҳатга чартер рейс ташкил қиляпти.
Саёҳатнинг нархи: 240 АҚШ $ ва 60 000 сўм.

Бу нархга самолёт харажатлари, меҳмонхонада 2 кишилик хоналарда жойлашиш, икки маҳал овқат, автобусда кутиб олиш ва кузатиш киради.

Агарда Сизларни бизнинг саёҳатларимиз қизиқтирган бўлса қуйидаги телефонларга мурожат қилишингиз мумкин: 67-53-87, 67-47-62

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли, 115,("Саёҳат" меҳмонхонасининг ортида).

«Ўзпахтасаноат» РИБга қарашли Транспорт-экспедиция базаси «Ўздавпахтасаноатсотиш» ассоциациясининг Республика марказий таъминот базасига айлантирилди.

Тошкент Кимё технологияси институти ва органик моддалар ишлаб чиқариш кимёвий технологияси кулиёти жамоаси, Пластмасса ва пластомерларни қайта ишлаш технологияси кафедраси мудири, кимё фанлари доктори профессор А. Х. Юсуфбековга падари бузруквордн

Ҳакимжон ота ЮСУФБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси Ўзбекистон кинематографчилари уюшмаси аъзоси Н. М. Васильева рафиқаси

Иқболхон ТУХТАХЎЖАЕВАнинг

вафоти муносабати билан унга ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси муҳандис Абдунаби Ҳакимовга ўғли

ЖАМШИДнинг

бенақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• ДАВРА СУҲБАТИ •

АМИР ТЕМУР ФИЛЬМИ ҚАЧОН ЭКРАНГА ЧИҚАДИ?

Ҳурматли редакция!

Бир неча йил бурун Амир Темур ҳақида фильм яратиш борасида илк саъй-ҳаракатлар бошланганлигидан хабаримиз бор. Бу янгликни эшитиб бутун республикамиз аҳли қатори биз ҳам ниҳоятда хурсанд бўлган эдик.

Бироқ бугунги кунда мазкур фильм ҳақида ҳеч бир маълумотга эга эмасмиз. Газеталар ҳам ҳеч нарса ёзмай қўйишди. Қулоққа чалинаётган айрим миш-мишларга қараганда ҳукуматимиз фильм учун ажратган миллионларни ўзлаштириб, режиссёр Али Ҳамроев Италияга қочиб кетган ва қорижда ўша пуллар ҳисобига маза қилиб яшаётган экан. Шу ростми?

Т. НОМОЗОВ, Ҳ. ДОЛИЕВ,

Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги 61-ўрта мактаб ўқитувчилари.



Бундай мазмунга эга хатлар таҳририятимизга кўплаб келиб турибди, айниқса, ҳозир Амир Темур қадрияти тикланаётган бир шароитда бундай сўров ва телефонлар янада кўпайди.

Биз ушбу мактублар мазмуни билан Ўзбекистон Давлат Кинокомпанияси раиси Хайрулла Жўраевни таништирганимиздан сўнг у киши «Али Ҳамроев Тошкентдан ҳеч қаёққа кетмаганлигини» маълум қилиб, таҳририят лозим топса, режиссёр билан суҳбат уюштириш имкони борлигини айтди. Ва биз «Халқ сўзи»га Хайрулла ЖЎРАЕВ билан биргаликда режиссёр Али ҲАМРОЕВ, таниқли тарихчи олим Бўривой АҲМЕДОВларни таклиф қилдик.

Давра суҳбатини «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг Бош муҳаррири Анвар ЖЎРАБОЕВ олиб борди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: Бугунги кунда истиқлолимиз туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳам катта эътибор берилаётгани халқимизнинг олқишига сазовор бўлаётир. Пойтахтимиздаги энг кўркам хиёбон улуғ бобомиз номи билан аталиб, у ерда салобатли ҳайкали қад ростлади. Бу ишларнинг барчаси Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида ҳукуматимиз юритаётган халқчил сиёсатнинг маҳсулидир.

Хайрулла ЖЎРАЕВ: Саксон еттинчи-саксон саккизинчи йилларда собиқ Иттифоқдаги марказлаштириш сиёсати оқибатида ўзи бир улкан соҳа бўлган кинони ҳам Маданият вазирлигига қўшиб юборишган эди. «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас», деганларидек, ўйламай қилинган бу иш оқибатида кино соҳасида ҳам зўрлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган кўплаб муаммолар пайдо бўла бошлади.

Ана шундай қийин бир паллада республикамиз ҳукумати ўзбек киночиларининг бошини силади. 1992 йили Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фармони билан соҳамиз Маданият вазирлиги таркибидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ташкил этилди. Бу эса ўзбек кино санъатининг ривожи учун катта имкониятлар яратиб, унинг келажагига умид билан қарашимизга асос бўлди, албатта. Дарҳақиқат, давлат ўз қарамоғига олиб, ёрдам қўлини чўзгач, у ўзини тезда ўнглаб ола бошлади.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни айтиш борасида кўплаб ишлар қилиняпти. Хусусан, бундан бир неча йил муқаддам ул зот ҳақида бадиий фильм яратишга ҳам киришилган эди. Айни вақтларда фақат Амир Темур ҳақидагина эмас, қадимий тарихимиз, миллий қадриятларимиз ҳамда ўтмиш даҳоларимиз ҳақида ҳам кинолар яратилмоқда. Истиқлол даврида ҳам бунга уринишлар бўлган. Масалан, «Тоҳир ва Зуҳра», «Беруний», «Даҳонинг ёшлиги», «Навоий», «Қасам» каби жуда кўплаб ажойиб фильмлар яратилган эди. Балки уларда ўша давр сиёсатининг маълум даражада изи бордир. Лекин мазкур фильмларда халқ руҳи, миллийликнинг нафаси сезилиб туради. Булардан кўз юмиб бўлмайди.

1989 йили Темур ҳақидаги фильмни яратиш борасидаги илк ҳаракатлар бошлангач, бу ишни тезлатиш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан «Самарқандфильм» ташкил этилганди. Бироқ ўша пайтлар ҳали кинонинг жилови Москва қўлида бўлиб, ҳозиргидек шарт-шароитлар йўқ эди. Московда ўтирган «раҳнамолар» Амир Темурдек буюк шахс тўғрисида кино ишлашдан заррача манфаатдор эмас эдилар ва иложи борича бунга тўсқинлик қилишлари мумкин эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти кинонинг яратилиши учун катта ғамхўрлик кўрсатди. Буларнинг самараси ўлароқ, тез орада ишлар юришиб кетди. Италиялик таниқли кино усталари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олинди. Лекин баъзиларининг назарида орадан анча вақт ўтган бўлса-да, ўша ҳаракатларнинг натижалари сезилмаётгандек туюла бошлади. Бугун ўша фильмнинг тақдири нима кечди, деган савол кўпчиликни қизиқтираётгани ҳам табиий. Ушбу давра суҳбатимизда ана шуларга аниқлик киритиб оламиз, деб ўйлайман.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: Албатта, Фильмни яратиш борасидаги илк ҳаракатлар бошлангандан буён орадан ўтган вақт ичида нима ишлар қилинди? Умуман, Амир Темур ҳақида фильм яратиш ғояси сизда қачон туғилган? Унинг шахсига аввалларингиз қандай муносабатда бўлгансиз?

Али ҲАМРОЕВ: Кўпчилик тенгдошларим қатори Амир Темур ҳақида илк бор мактабда эшитганман. У пайтларда тарих фани марксистик нуқтаи-назарни дастак қилиб Темурни фақат қора бўёқлар билан тасвирлаган, унга қонхўр, босқинчи сифатларини «сахийлик» билан улашган эди. Кинорежиссёр сифатида иш бошлаганимдан сўнг, 1966 йил Темурнинг тақдирига қизиқиб қолдим. Ўша пайтда Сергей Бородиннинг Темур ҳақидаги «Самарқанд осмонида юлдузлар» тарихий романи таъсири остида эдим. Ўзимизда раҳматли академик Иброҳим Мўминовнинг мўъжазгина рисоласидан бўлак қарийб ҳеч қандай китоб йўқ эди. Шу боис юқорида номи тилга олинган роман асосида фильм суратга олиш ҳаракатида бўлдим. Аммо ўша сиёсий тузум миллий қаҳрамонларимиз образини адабиёт ва санъатда ифода этишга йўл бермас, боз устига, бу тахлит ҳар қандай уриниш миллатчилик деб қораланишга сабаб бўларди. Марҳум Шароф Рашидовичга бир-неча маротаба мурожаат қилганимдан сўнг у киши 1981 йилда Темур ҳақида фильм суратга олинишига розилик билдирдилар. Таниқли актёримиз Шукур Бурҳонов катта иштиёқ билан Темур ролини ўйнайдиган бўлди. Аммо юқорида айтганимдек, собиқ марказдаги мустамлакачи кучларнинг қаршилиги туфайли бу ҳайрли иш ўз ижобатини топмай қолди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: Али ака, энди бевосита буюк бобомиз ҳақидаги фильмни суратга олиш ва италиялик кинематографчилар билан ўзаро ҳамкорлигингиз тўғрисида сўз юритсангиз. Умуман, бу борада италияликлар билан ўзаро мулоқотларингиз қачон қандай бошланган?

Али ҲАМРОЕВ: Тошкентда ўтган кинофестивалларидан бирида итальян кинорежиссёри Микельанжело Антониани билан танишиб, дўстлашиб қолдик. Унга ўзимнинг орзу-ниятларим, Амир Темур образини яратиш иштиёқи сира тинчлик бермаётганлиги ҳақида гапирган эдим. У мени Италияга таклиф қилиб, қўлидан келганча ёрдам беришини айтди. 1987 йил Италияга борганимда М. Антонианининг тавсияси билан италиялик кинопродюсерлар Винченцо Риспош ва Гаэтано Мацца Темур тўғрисида фильм олишни таклиф қилишди. Биз «Интернейшнл синема компани» кинокомпаниясида фильм устида иш бошладик. Фильм сценарийсини германиялик кинодраматург Фридрих Горенштейн ёзди. Бош маслаҳатчимиз таниқли тарихнавис олим, Темур даврининг зукко тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори Бўривой Аҳмедовдир. Фурсатдан фойдаланиб шуни алоҳида эътироф этмоқчиманки, ҳурматли Бўривой ака фильм учун шунча кўп иш қилдиларки, биз у кишини ҳақли равишда сценарий муаллифларидан бири сифатида тан олдик. Италияликлар ҳозирги Ғарб ва Шарқ муносабатлари бир хил бўлмаган вазиятда сценарийда Темурни умуминсоний қадриятлар нуқтаи-назаридан, уни ҳам давлат арбоби, ҳам салоҳиятли саркарда сифатида энг улуғ хислатларини кўрсатишимиз кераклигини билдиришди. Сценарий тайёр бўлгандан сўнг банк сценарий учун пул тўлашдан олдин уни 14 нафар кишидан иборат эксперт гуруҳи назоратидан ўтказди. Бу гуруҳ германиялик, франциялик ва италиялик тарихчи-олимлар, адабиётчилар, киношунослардан иборат эди. Гуруҳ сценарий замонавий кино ва санъат талабларига жавоб беради, деб хулоса чиқарганларидан кейингина банк маблағ ажратди.

«Самарқандфильм» студияси ташкил этилиб, ишлар бошлаб юборилди. Киностудиямиз номини қадимий шаҳримиз номи билан аташимизнинг Темурга тааллуқли жиҳатларидан бўлак, яна бир томони шундаки, Италияда «Самарқанд» деб номланувчи махсус теледастур бор. Хуллас, ишларимиз 1991 йил августгача яхши кетаётган эди. 19-21 август кунлари содир бўлган фитна туфайли Италия томони ўз вакилларини собиқ СССРдан тезда чақириб олди. Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши, МДҲнинг тузилиши ва айрим республикалардаги нотинчлик сабабли бир муддат ишлар тўхтаб қолди. Италияликлар билан мустақил Ўзбекистон вакиллари қайта музокаралар ўтказишди. У томон биздан кафолат талаб қилди, ҳукуматимиз республика Давлат кинокомпанияси тимсолида кафолат берди. Шундан сўнг итальянлар бўлажак фильмни яратишда Туркия ва Хиндистоннинг иштирокига қарши эмасликларини билдиришди.

Ҳозир нарх-наво юқорилаб кетгани боис ишларимиз бироз секинлашди. Бунинг устига, «Интернейшнл синема компани» «Буюк Темур» фильми билан бир қаторда, Қирғизистонда «Чингизхон» ва Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон» асари асосида кўп серияли фильмларни суратга олишга киришган эди. Бу фильмлар ҳам катта маблағни талаб қилади.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: 1990 йил «Самарқандфильм» ҳомийлар ва фуқароларни фильмни суратга олишда ҳайрия ёрдами кўрсатишга чақириб, эълонлар берган эди. Унинг самараси қандай бўлди?

Али ҲАМРОЕВ: Бир пенсионер 300 сўм, панжикентлик бир гуруҳ колхозчилар 2,5 минг сўм пул ўтказишди, холос.

Хайрулла ЖЎРАЕВ: Республикамиз ҳукумати мазкур фильм учун ҳозирча 10 миллион сўм ажратди. Бундан кейин қанча зарур бўлса, етарлича маблағ ажратишга тайёрмиз. Балки ўша пайтда реклама кўнгилдагидек бўлмагандир.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: Фильмни суратга олиш, асосан, қайси мамлакатларда кечади? Умуман, суратга олишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

Али ҲАМРОЕВ: Фильмнинг сценарийсини ёзиш учун Италия, Германия, Франция, Англия, Испания, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг кўплаб олимларидан маслаҳатчилар таклиф этдик. Ҳозирги кунда сценарийнинг 1-қисми ёзилиб, ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирча 1-қисмнинг 1-варианти тайёр бўлди. Ҳозир ана шу 1-қисмнинг 2-варианти устида ишлаяпмиз. Сценарийнинг 1-қисмини ёзишга 2 йил вақт кетди. Ҳозир 2-қисмини ёзишга киришдик. Сценарийнинг 2-қисмини ёзишга 1 йил вақт кетади, деб ўйлаймиз. Сценарийнинг 1-қисмини ёзишда 20 нафар олим ва мутахассислар иштирок этишди. Сценарийнинг 2-қисмини ёзишда эса 30 нафар олим ва мутахассислар иштирок этишади. Сценарийнинг 1-қисмини ёзишда 1 миллион сўм, 2-қисмини ёзишда эса 1,5 миллион сўм маблағ сарфланади. Сценарийнинг 1-қисмини ёзишда 1